

## ИШТИРОКЧИЛИКДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Холиков Фарход Уктамович**

*Тошкент давлат юридик университети*

*“Жиноят ҳуқуқи, криминология  
ва коррупцияга қарши курашиш”*

*кафедраси ўқитувчиси*

*[fxolikov@internet.ru](mailto:fxolikov@internet.ru)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада жиноятда иштирокчилик тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий хавфлилик даражаси, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар тавсифи ва уларни квалификация қилиш бўйича муаммоли ҳолатлар ўрганилиб, хорижий тажриба асосида таҳлил қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** *Иштирокчилик, бажарувчи, ақли расо, тил бириктириш, жиноий фаолият*

## УГОЛОВНЫЕ АСПЕКТЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЕННЫХ ПРИ УЧАСТИИ

**Холиков Фарход Уктамович**

*Преподаватель кафедры “Уголовное право, криминология*

*и борьба с коррупцией” Ташкентского государственного*

*юридического университета*

*[fxolikov@internet.ru](mailto:fxolikov@internet.ru)*

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются понятие соучастия в преступлении, его специфические признаки и уровень социальной опасности, характеристика преступлений, совершаемых в соучастии, и проблемные случаи их квалификации, а также проводится их анализ на основе зарубежного опыта. Также были разработаны предложения по совершенствованию национального законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** *Соучастие, исполнитель, вменяемость, сговор, преступная деятельность*

## CRIMINAL ASPECTS OF CRIMES COMMITTED IN PARTICIPATION

**Kholikov Farhod Uktamovich**

*Lecturer at the Department of Criminal Law,*

*Criminology and fight against corruption” of the  
Tashkent State University of Law  
[fxolikov@internet.ru](mailto:fxolikov@internet.ru)*

**Annotation:** *This article examines the concept of complicity in crime, its specific features and level of social risk, the description of crimes committed in complicity and the problematic cases of their qualification, and analyzes them on the basis of foreign experience. Also, proposals were developed to improve the national legislation of the Republic of Uzbekistan.*

**Keywords:** *Participation, execution, sanity, conspiracy, criminal activity*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб демократик ислохотларнинг пировард мақсади инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари тўла-тўқис таъминланадиган ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. Истиқлол йилларида мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий тузум ва бозор иқтисодиётига мос янги ҳуқуқий доктрина қарор топди. Мазкур доктрина умуминсоний, умумбашарий қадриятлар билан ҳалқимизнинг бир неча минг йилликлардан бери сайқалланиб келаётган тарихий, миллий ва маънавий қадриятларининг ҳамоҳанглиги асосида яратилди.

Иштирокчилик учун жиноий жавобгарлик ва жазолаш муаммоларига азалдан аҳамият бериб келинган, зеро иштирокчиликда содир этилган жиноий қилмишлар умумий жиноятчиликнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Сўнги йилларда Ўзбекистонда жиноятчилик таркибида юз бераётган миқдор ва сифат ўзгаришлари объектив ва субъектив омиллар билан изоҳланади. Айниқса, амалдаги жиноят қонунида иқтисодиёт соҳасидаги, жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг уюшган шакллари оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўзда тутилганлиги ҳам ушбу соҳаларда мазкур қилмишларнинг улуши ҳамда ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

Жиноятда иштирокчилик институти жиноят ҳуқуқининг энг кўп жиҳатли, мунозарали ва мураккаб институтларидан бири ҳисобланади. Ўн тўққизинчи асрда рус ҳуқуқшунос-криминологи Г.Е.Колоколов: “Иштирокчилик назарияси жиноят ҳақидаги умумий фаннинг тожи сифатида жиноят ҳуқуқининг энг қийин бўлими ҳисобланади”, — деб ёзган эди. Ундан бирмунча кейин, XX аср бошларида Н.С.Таганцев: “Жиноятда иштирокчилик ҳақидаги таълимот бетартиб (хаотик) ҳолатда”, — эътироф этганди.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар серқирра ва ранг-баранг бўлиб, унинг шакллари объектив ва субъектив белгиларига кўра бир-биридан анча фарқ қилади. Шу боис, жамиятимизда уюшган жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларнинг жиддийлигига қарамай, иштирокчиликда жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлигини дифференциация қилиш ва уларни жазолашни индивидуаллаштиришга нисбатан оқилона ва изчил ёндашиш зарур. Иштирокчиликда

содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш муаммоларининг бугунги кун нуктаи назаридан жиноят ҳукуқи назарияси ва суд-тергов амалиётидаги долзарблиги ва аҳамияти қуйидаги омиллар билан изоҳланиши мумкин: биринчидан, жиноятда иштирокчилик масалаларини тартибга солувчи қонун нормаларининг ижтимоий аҳамияти жазо тайинлаш босқичида яққол намоён бўлади; иккинчидан, жиноятда иштирокчилик учун жазо тайинлашнинг аҳамияти сезиларли даражада ошди, унинг жараёни эса ўта мураккаб тус олади, зотан, кўрсатилган ҳолларда суд нафақат жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг содир этилиши ва айбдорнинг 6 шахсини жазо чорасига солиштириб кўриши, балки иштирокчилардан ҳар бирининг умумий жиноий натижага қўшган ҳиссасини дифференциация қилиши ва шу тариқа жазо тайинлашни индивидуаллаштириш принципини амалга ошириши талаб этилади; учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖКда жазо тайинлашнинг умумий асослари, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар доираси аввалги жиноят қонунчилиги билан таққосланганда нафақат ўзгартирилган, балки иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг янги мезонлари назарда тутилган; тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖКда жазо тайинлаш махсус қоидаларининг тизимли тартибга солинганлиги боис, жиноятда иштирокчилик учун жазо тайинлаш қоидаларининг улар билан ўзаро нисбатини аниқлаш талаб этилади; бешинчидан, мазкур қоидаларни суд амалиётида оқилона қўллаш, ушбу жиноятларни квалификация қилишда жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш зарурияти ушбу мавзунинг долзарблигини асословчи муҳим мезонлардан ҳисобланади. Буларнинг барчаси, шунингдек, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун Ўзбекистон Республикаси ЖКга биноан жазо тайинлаш муаммосига доир комплекс тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, ушбу тадқиқот мавзусининг долзарб ҳамда илмий ва амалий аҳамиятига эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддасида икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасдан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилиши кўрсатилган.<sup>50</sup>

Жиноятда иштирокчилик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 29-моддасига асосан оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади. Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

<sup>50</sup> [lex.uz/uz/docs/111453](http://lex.uz/uz/docs/111453)

Жиноятни иштирокчиликда содир этилган деб топиш учун унда қатнашган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг барчаси жиноят субъекти бўлиши керакми ёки йўқми деган савол мунозарали бўлиб, кўпгина олимлар бу борада ўз фикрларини билдириб ўтганлар.

Жумладан, М.Усмоналиевнинг фикрича, агар жиноятда фақат икки киши бажарувчи сифатида қатнашиб, улардан бири ўша жиноят учун жинойий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлса, жиноят иштирокчиликда содир этилган деб ҳисобланмайди.<sup>51</sup>

М.Ҳ.Рустамбаевнинг фикрича, бир нечта шахс иштирок этган ижтимоий хавфли қилмиш фақат унда қатнашган камида икки нафар шахснинг қонунга кўра жиноят субъекти белгиларига эга бўлганидагина жиноятда иштирокчилик деб топилиши мумкин. Шу боис Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган ёки ақли норасо шахслардан фойдаланиб жиноят содир этиш жиноятда иштирокчиликни ташкил этмайди.<sup>52</sup>

Демак, юқоридаги фикрларга кўра, иштирокчилик учун жинойий жавобгарлик, жиноят содир этишда икки ва ундан ортиқ, ақли расо, ЖК 17-моддасида белгиланган ёшга тўлган шахсларнинг биргалашиб ҳаракат қилиши натижасида вужудга келади. Жиноят содир қилишда қатнашган икки шахснинг бири жавобгарлик ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлса, бу жиноят иштирокчиликда содир қилинган деб топиламайди деган хулосага келиш мумкин.

Ақли расо шахс деганда, жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган шахс ақли расо шахс тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 28-моддасининг 2-қисмида бажарувчи тушунчаси берилган бўлиб, унга қуйидагича таъриф берилган: «Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади». Ушбу қисмнинг мазмунига кўра, жиноятни бевосита бажарган шахснинг ўзигина эмас, балки жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган (жиноят субъекти ёшига етмаган ёки ақли норасо шахслардан) фойдаланиб жиноятни амалга ошириш ҳам бажарувчи деб топилади. Шунингдек, жисмоний шахс ҳисобланмайдиган воситалардан (хайвонлардан, бошқа техника воситаларидан) фойдаланиб жиноятни амалга оширган шахс ҳам бажарувчи деб топилади. Бажарувчиларни жиноят иштирокчиси деб топиш учун икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг барчаси жиноят қонунида назарда тутилган ёшга етган, ақли расо бўлган бўлиши, яъни жиноят субъектининг барча белгиларига эга бўлиши керак.<sup>53</sup>

<sup>51</sup> Усмоналиев М., Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.278.

<sup>52</sup> Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 372 б.

<sup>53</sup> Усмоналиев М., Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.278.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли қарори 12-бандидаги “жиноят иштирокчиларидан бири қонунга кўра жиноят субъекти бўлмаган ҳолларда ҳам иккинчи иштирокчининг ҳаракатлари гуруҳ таркибида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим” деб кўрсатилган.<sup>54</sup>

Юқоридагиларга кўра, жиноят қонунчилигида иштирокчилик тушунчаси бўйича икки хил ёндашув вужудга келмоқда. Биринчи ёндашувда, жиноят содир этишда иштирок этадиган шахслар жиноят субъектлари бўлишлиги, агар жиноят содир этишда икки нафар шахс иштирок этиб, уларнинг бири жиноят субъекти бўлмаса иштирокчилик келиб чиқмайди деган қараш. Иккинчи ёндашувда, жиноят содир этишда икки шахс иштирок этиб, ундан бири жиноят субъекти бўлмаса ҳам жиноят субъекти ҳисобланган шахснинг ҳаракатларини иштирокчилик деб баҳолаш лозимлиги ҳақидаги қараш.

Жиноят қонунчилиги бўйича иштирокчилик деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши тушунилади. Ушбу тушунча бўйича жиноят содир этган шахсларнинг жиноят субъекти бўлиши кераклиги ёки керак эмаслиги кўрсатилмаган. Шундай экан қилмишни иштирокчиликда содир этилган деб топиш учун жиноят содир этган шахслар жиноят субъекти бўлиши талаб этилмайди.

Агар жиноят содир этган шахс жинoий жавобгарликка тортишни истисно қиладиган рухий касал шахсдан фойдаланиб содир этса, унинг ҳаракатларини ҳам иштирокчилик деб баҳолаш лозим бўлади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш иштирокчилик лозим бўлади. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 27-моддасини кўйидагича таҳрир этиш лозим, “Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади.

Шунингдек, шахснинг жинoий жавобгарликка тортилмайдиган шахслардан фойдаланиб, биргаликда жиноят содир этишда иштирок этиши иштирокчилик ҳисобланади”.

### ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маъруза.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

<sup>54</sup> [lex.uz/uz/docs/2414120](http://lex.uz/uz/docs/2414120)

стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

3. Рустамбаев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 166.

4. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2010. – Б. 164.

5. Курс криминалистики. Особенная часть. Т.1. Методика расследования насильственных и корыстно-насильственных преступлений. / Под ред. В.Е.Корноухова. – М., 2001. – С. 70.; Рарог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. – М., 2001. – С. 6.

6. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 160.

7. Уголовное право. Общая часть. Учебник для вузов / Под ред. И.Я.Козаченко, З.А.Незнамова. – М., 1997. – С. 181.

8. Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М.: Спарк, 2000. – С. 6-7.

9. Уголовное право России. Части Общая и Особенная: Учебник. / М.П.Журавлев, А.В.Наумов и др. – М.: Проспект, 2004. – С. 87.

10. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т. Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б.470.

11. Холиков Ф. ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯ: ТУШУНЧА, МАЗМУН ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 91-100.